Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али
Эркин Воҳидов
Кенгесбой Каримов
Наим Каримов
Иқбол Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Нурбой Жабборов
Ислом Ёқубов
Абдулла Орипов
Умарали Норматов
Хайриддин Султонов
Сирожиддин Саййид
Меҳрибон Абдураҳмонова
Йўлдош Солижонов
Шуҳрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф
Масъул котиб — Шавкат Валиев
Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Адабиётшунослик бўлими мудири — Аъзамхон Қозихўжаев

6
2015

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Сирожиддин САЙЙИД *НАЗМ*

ТУН БИЛА ТОНГ



Тўртликлар силсиласи

Ватан матонатдир, шижоат – Ватан,
Бутун эл тиклаган иморат – Ватан!
Уйғоқ кўнгиллару беором қалблар,
Бедор юраклардан иборат Ватан!

Қулман ОЧИЛ *НАСР*

САВДО



Ҳикоя

Опа ҳеч кимдан, Сафардан ҳам хафа бўлмайди. Ичидан куяди. Умри бўйи нашриётда муҳаррир бўлиб ишлаган бу аёлнинг одати шунақа: “Бандасидан хафа бўлмасликка ўрган, ука, – дейди. – Шунда яшашинг осонроқ бўлади. Аламзадаликда яшаш – азоб...”

Абдулла УЛУҒОВ *ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛИ*

АФСОНАЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ



Чингиз Айтматов асарлари марказида оддий одамлар туради. Адиб кундалик турмушда дуч келаётган муаммоларини кўрсатиш орқали бугунги куннинг долзарб масалаларига эътибор қаратади. Ушбу муаммолар барча кишиларга бирдай дахлдор эканлигини таъкидлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Исломжон ЁҚУБОВ

1961 йилда туғилган. Нукус давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. "Ўзбек романи тадрижи", "Бадиий-эстетик сўз сеҳри", "Миллий уйғониш даври ўзбек насри", "Бадиий матн ва эстетик талқин" сингари ўндан ортиқ монография, рисола ва мақолалар тўпламлари нашр этилган.

АДАБИЙ ТАНҚИД – ДАВР БАРОМЕТРИ

Адабий танқид – давр барометри[1]. Адабиётшунослик объектида адабий жараён ҳодисалари, бадиий асар кўлами, шакл ва услуб, поэтик тафаккур, жанрларнинг ўрнию имкониятлари, матнда бадиият қонуниятлари қай тарзда намоён бўлиши, ташқи адабий таъсир, таҳлил ва талқин йўсинлари акс этади. Баъзан эса, айрим нохуш ҳолатлар олдини олишни кўзловчи амаллар ҳам ўтказилади. Сўзнинг ибратли жиҳатлари илғанади, салмоғи англанади. Ижодкорнинг феноменал қиёфаси, ижоди кашф этилади. Бадиий асарлар яратилиш тарихи, генетик илдизлари, поэтик жозибасию эстетик идеалнинг ифодага кўчган мазмун-моҳияти очилади.

Бинобарин, замонавий адабий танқидчилик етакчи поэтик тамойилларни кашф этувчи, тарғиб-ташвиқ этувчи ва йўналтирувчи соҳадир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан 110 шоир, 43 носир, 10 драматург, 41 публицист, 29 адабиётшунос ва мунаққидлар ижодидан намуналарни жамлаган *"Озод Ватан саодати"* номли беш жилдли китоб *"Истиқлол илҳомлари"* рукни остида чоп этилди[2].

Албатта, бешинчи жилдига киритилган адабиётшунос ва мунаққидлар рисолаларини биргина мақолада кўламли тарзда ёритиш осон эмас. Адабий танқиднинг сустлашгани ҳақидаги фикрлар кенг жамоатчиликни безовта қилаётган бугунги кунда сўзни адабий меросга муносабат масаласидан бошлашни лозим кўрдик.

Тариқат ҳақида академик Иззат Султоновнинг бешинчи жилддан ўрин олган "*Баҳовуддин Нақшбанд абадияти"* номли мақоласида тариқат мазмуни ва хос хусусиятлари ёритилди. Мақола буюк мутафаккир Нақшбанд шахси ва таълимотига Навоийнинг муносабати муаммосини тушунтириши

[1] Барометр – юнонча *baros* – оғирлик ва *метр* ўлчов бирлиги – атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб. (Биз терминни адабий жараёнда кечаётган кайфият-ҳолатлар кўрсаткичи; илмий-адабий жамоатчилик фикр-қарашлари мезони маъноларида қўлладик. И.Ё.)

[2] Озод Ватан саодати. Беш жилдли. Тошкент., ADIB, 2013. (1-жилд: Шеърият; 2-жилд: Наср; 3-жилд: Драматургия; 4-жилд: Бадиий публицистика; 5-жилд: Адабий танқид. Мақолада келтирилган иқтибослар шу нашрнинг сўнгги жилдидан олиниб, саҳифалар кўрсатиб борилди. И.Ё .)

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиҳатидан муҳим қиммат касб этади. Олим диққатининг Навоий, Жомий, Хўжа Аҳрор Валий асарлари орқали тариқат пирлари тақдири ва маънавий-ахлоқий қиёфасига қаратилиши тасодиф эмас. Мустақиллик даврида улуғ пирлар ва улар маънавий меросини ўрганиш ўзимизни қайта идрок этиш, ҳаёт тарзимизни ўзгартириш, адабий-эстетик қарашларимизга муайян таҳрирлар киритишга ундади.

Мустақиллик даври Нажмиддин Комиловга эркин ёзиш, тарихий ҳақиқатни рўйирост айтиш учун катта имкон берди. Чунончи, олимнинг *"Тасаввуф ва бадиий ижод"* номли мақоласида, тасаввуфнинг адабиётдаги ифодаси баркамол инсон, руҳ озодлиги, ирфоний ғояларга таянувчи сўфиёна концепцияга интилиши, уларнинг ўзаро таъсири ижтимоий-мафкуравий ҳамда эстетик эҳтиёж меваси экани таъкидланади.

Умуман, бадиий сўз санъатида инсонни ўрганиш ва поклаш, унинг қалбини ифода этишга йўналган тасаввуф адабиёти деган мавзу мавжуд. Мустақиллик даври адабиёти ўнлаб адабиётшуносларнинг беминнат заҳматлари туфайли ана шу улкан хазинадан баҳраманд бўлиш бахтига эришди.

Методология муаммолари. Бегали Қосимовнинг *"Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётини ўрганишнинг долзарб масалалари"* мақоласида муҳим методологик муаммолар таҳлилга тортилган. Адабиётшунос давр ва поэтик ижод, замон ва бадиият, анъана ва новаторлик каби нисбатан кам ўрганилган назарий ҳамда амалий масалаларга алоҳида диққат қаратган. Туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни хусусида куйинчаклик билан сўз юритган. Миллий ғоя ҳамда миллий мафкура негизида адабий-сиёсий тазйиқ оқибатлари, юрт истиқболи ҳақидаги ижтимоий-адабий ўй-фикрларини илгари сурди.

Илмий тадқиқот методологиясининг аҳамияти хусусида қайғурган олимлардан бири Абдуғафур Расулов эди. Унинг *"Концепция зарурати"* мақоласида XX аср адабиёт ва санъатидаги *"изм"*ларга муносабат ифодаланди. Илдизлари теран бўлмаган айрим адабий оқимлар моҳияти тадқиқ этилди. Абдуғафур Расулов адабиётнинг назарий-методологик асоси хусусида узил-кесил концепция яратмаган бўлса-да, адабиёт яхлит ҳодиса экани, ўтмиш адабиётини қайта ўрганиш лозимлиги ҳақидаги принципиал фикрларни илгари сурди.

Баҳодир Каримовнинг *"Бадиий сўзни англаш"* мақоласида мустақиллик даври ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиётшунослигининг поэтик мерос ва адабий жараёнга муносабати масаласи ўрганилди. Миллий-эстетик тафаккур намуналарида адабий ҳодисаларни таҳлил қилишдаги услубий турфалик, адабий-назарий концепцияни шакллантириш йўлидаги изланишлар ижод эркинлиги, миллий ўзлик ва ўзбекона қадриятларга эътибор самараси экани алоҳида таъкидланди.

XX аср ўзбек адабиётини қайта баҳолаш принциплари. Озод Шарафиддинов *"Адабиёт яшаса – миллат яшар"* номли мақоласига Чўлпон 1914 йилда адабиётнинг ижтимоий моҳияти тўғрисида илгари сурган

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрни[3] сарлавҳа қилиб танлаган. У ёзувчи адабий-эстетик қарашлари акс этган *“Адабиёт надур?”, “Муҳтарам ёзғувчиларимизга”*[4]*, “Улуғ ҳинди”*[5] мақолаларини таҳлилга тортади. Чунки бу мақолаларда маънавий уйғониш ва маданий ривожланиш борасида ўша давр адабий жараёни олдида кўндаланг турган долзарб муаммоларга жавоб изланган. Ўзбек адабиётига Шарқ ва Ғарб беназир тажрибаларини олиб кириш орқали уни илғор ғоялар, бадиий малоҳат ҳисобига бойитишга ҳаракат қилинган.

Абдулла Улуғовнинг *“Қабиҳ мактубларни ким битган?”* мақоласида *“Ўткан кунлар”* романида эпистоляр жанр намуналарининг сюжет яхлитлигини таъминлаш, воқеалар драматизмини кучайтиришдаги катализаторлик поэтик функцияси, турли табиатли одамлараро муносабат тасвирида муаллифнинг сўз санъаткори сифатидаги сир сақлаш маҳорати таҳлил этилади. Туҳматномалар ёзишдек қабиҳ ишларда Ҳомидга ҳамтовоқ бўлган Умарбек образининг асл моҳияти гипотетик усул орқали очилади.

Матёқуб Қўшжоновнинг *“Бир асар қисмати”* мақоласида эса, Ойбекнинг *“Навоий”* романига муносабат масаласида адабий сиёсат ва ижтимоий-эстетик қарашлардаги ижобий силжишлар тадқиқ этилади. Ойбек қирқинчи йилларда оғир қисматга юзма-юз бориб Алишер Навоийнинг аниқ, йирик ва жонли образини яратиш орқали ўша пайтда ўзбек маданиятида юзага келган тарихий кемтикни тўлдирган йирик сўз санъаткори сифатида баҳоланади. Шўро адабий-мафкуравий сиёсатининг улкан истеъдод соҳиблари ва уларнинг ижод намуналарига ғайрли қарашларини инкор этган олим: *“Ойбекнинг “Навоий” романи тарихий беллетристиканинг барча талабларига тўла жавоб берадиган асар сифатида майдонга келди... “Навоий” романи тарихий роман жанрининг мумтоз намунасидир”*[6]*,* деб ёзади.

Шеърият. Иброҳим Ғафуровнинг *“Ўзгараётган дунёда шеър сўзи”* мақоласида мустақиллик даври ўзбек шеъриятида етакчи ўрин тутувчи Ватан, Истиқлол, Маънавият масаласининг поэтик ифодасига диққат қаратилади. Ўнлаб шоирларнинг озодлик шукуҳи намоён бўлган лирик асарларига хос умумий ҳамда индивидуал жиҳатлар таҳлилга тортилади. Бадиий ифоданинг тарихий-ижтимоий воқелик характерига мос поэтик усуллари, образли фикр-кечинма баёни ҳамда шаклий ўзгаришлар тадқиқ этилади.

Мақолада баъзи ёш қаламкашлар шеър сифатида тақдим қилаётган “*маҳсулот”*ларда кузатилувчи ғўрлик, думбуллик, уларга ёзилган айрим тақризларда намоён бўлувчи адабий дидсизлик иллатлари ҳақли танқид қилинади. Олимнинг адабий танқидга хайрихоҳлик назари билан қараш, уни рағбатлантириш, адабий-эстетик саводхонликни янада ошириш, мавжуд кучларни ягона мақсад йўлида уюштириш зарурлиги борасида куйинчаклик билан илгари сурган фикр-қарашлари барча қалам аҳлига дахлдордир.

Нурбой Жабборовнинг *“Гўзал ташбеҳ, сирли руҳ”* мақоласида нафис

[3] Чўлпон. Адабиёт надур? / Садои Туркистон, 1914, 4 июнь.
[4] Чўлпон. Муҳтарам ёзғувчиларимизга. / Садои Туркистон, 1915, 6 февраль.
[5] Чўлпон.Улуғ ҳинди. / Маориф ва ўқитғувчи, 1925, 7-8- сонлар.
[6] Ойбек. Бир асар қисмати. -Б. 40.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ҳароратли сўзга интиқ миллатдошларимиз шуурини маърифат шуъласи билан нурафшон этиб, кўнгилларда мустақилликни мустаҳкамлаш туйғусини тарбиялашга баракали ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов фалсафий шеъриятида мумтоз ва замонавий поэзия ютуқлари мужассам экани таҳлилга тортилади.

Тадқиқотчи Абдулла Орипов шеърияти умрбоқийлигини таъминлаб келаётган омиллар: улар замиридаги бетакрор мазмун, гўзал бадиият ва миллий руҳдир, деган жуда тўғри хулосага келади. Бироқ, у шеъриятимизнинг сўнгги 30-40 йиллик мазмун йўналишини битта адабий сиймо ижоди билангина боғлайди. Унинг бағридаги ўзгача йўналишга рағбат билдирувчи адабий йўсинлар истиқболига бирқадар ишончсизлик билан нигоҳ ташлайди. Ваҳоланки, анъана ва новаторлик эгиз тушунчалардир. Ҳатто, анъанавийликнинг ўзи ҳам муттасил ўзгаришлар оғушида. Шундай экан, бу икки тушунча шеърият, кенг маънода эса миллий поэтик тафаккурнинг қўш қанотидир.

Наср. Хуршид Дўстмуҳаммад *“Миллий ҳикоя: изланишлар, ютуқлар, истаклар”* мақоласида ҳикоя жанрининг қамров имкониятларини бадиий ижоднинг табиати ҳамда поэтик тафаккур қонуниятлари билан узвийликда ўрганади. Мунаққид мазкур жанрнинг шаклланиш ва юксалиш йўлини ўз ўқ томирларидан ажратмайди. Бинобарин, фольклор ва мумтоз адабий мерос, ҳикоячилик ривожидаги XX аср миллий поэтик тажрибалари ҳамда жаҳон адабий мактаблари ютуқларидан ижодий баҳрамандлик уни дунё ҳикоячилигининг ажралмас узвига айлантирди.

Умарали Норматовнинг *“Роман кўзгусида миллат тақдири”* мақоласида поэтик тафаккур қамрови ҳамда беқиёс бадиий ифода имконлари жиҳатидан миллий адабиётлар бўй-басти ва юксалиш даражасини белгиловчи роман жанрининг ўзгарувчан табиати хусусида сўз боради. *“Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”, “Сароб”* сингари бир-бирини тўлдириб, мантиқан давом қилдирувчи романларда тўпланган қимматли тажрибалар – тарихий-маънавий жараёнларни гавдалантириш, мустақиллик йилларида ўзгачароқ шаклий-услубий кўринишларда изчил давом этаётгани социологик жиҳатдан таҳлил этилади.

Афсуски, мунаққид истиқлол даври романлари поэтикаси турли бўғинга мансуб адабиётшунослар томонидан ўрганилгани, бу эзгу ишлар ҳозирда изчил давом қилаётганига етарлича эътибор бермайди. Натижада, *“... адабий танқид зиммасидаги бош вазифа – мавжуд роман хирмонини саралашда хийла сусткашлик қиляпти”,* деган андак нохолис фикрни илгари суради. Истиқлол даври ўзбек танқидчилиги, хусусан романшунослик жиддий ва ҳақ йўлга чиқди. Эҳтимол, унинг олдида турган айрим вазифалар тўла уддаланмагандир. Аммо, миллий адабий-эстетик тафаккур ривожининг яқин ўтмиши, айниқса салкам чорак асри ҳақида сўз юритганда бундай ноилмий хулосалардан сақланиш зарур.

Қозоқбой Йўлдошев *“Роман жанрининг етакчи белгилари ва бугунги ўзбек романларига хос хусусиятлар”* мақоласида эътироф этилишича,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустақиллик даври ўзбек адабиётнинг инсоният тафаккурига қўшган ҳиссаси миллат бадиий тафаккури тараққиёт даражаси нисбатан ёрқинроқ намоён бўлувчи жанр бўлмиш романчилик салмоғи билан белгиланади. Замонавий ўзбек романчилигида тасвирнинг янгича қатламлари ўзлаштирилиб, мазкур жанр бетакрор тимсоллар ҳисобига янада бойиб бораётгани мунаққид синчков нигоҳидан четда қолмайди. Романда муаллиф нияти, шаклий-мундарижавий ўзгаришларга мойиллик, синткретиклик, алоҳида одамнинг чўнг ва мураккаб ботин оламини миқёсли бадиий тафтиш этиш, полифонизм каби жанр белгилари таҳлил этилади.

Йўлдош Солижоновнинг *“Янги аср насри манзаралари”* мақоласида эътиборга молик кузатишлар билан бир қаторда*: “Агар асар сюжети ғоялар, қарашлар, характерлар, гуруҳлар ўртасида рўй бераётган қарама-қаршиликлар асосига қурилмаса, бундай асар таъсирчан бўлмайди. Бинобарин, ҳаёт ҳақиқатининг аниқ ва изчил ифодаланиши зиддиятларнинг моҳияти ва ишонарлилиги билан ўлчанади”,*[7] қабилидаги фикрлар ҳам илгари сурилади. Бундай ўринларда муннаққид адабий-назарий концепцияси тўла янгиланмагани сезилиб қолади. Адабиётшунос бадиий яратиқларни таҳлил ва талқин этишда яроқсиз қолип ва андозалардан воз кечолмаётгани сабабли айрим ижодкорлар қалби, маънавий-руҳий оламига чуқур кира олмайди. Чунки *“ижтимоий долзарб муаммо”, “мантиқий аниқлик”, “гуруҳлар кураши”* сингари талаблар нуқтаи назаридан баҳолаш миллий адабиётимизда бўй кўрсатаётган янгиланишлар – бадиий ҳақиқатни чуқур изоҳлашга заифлик қилади.

Бахтиёр Назаровнинг *“Юксак тарихий эътиқодга муносиб самара”* мақоласида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али қаламига мансуб *“Улуғ салтанат”* роман-эпопеясининг *“Шоҳрух Мирзо”* номли сўнгги асари тадқиқ этилади. Адабиётшунос олим роман бадиий концепцияси, етакчи ғоя ифодаси, фалсафий мушоҳада теранлиги, ҳиссий-экспрессивлик, замонавий руҳ тасвирини асарнинг аввалги жилдлари билан узвийликда таҳлилга тортади. Шунингдек, тетралогияни Ойбек тарихий романлари билан қиёсан ўрганаркан, устоз-шогирднинг тарихий манбалар устида ишлаш борасидаги муштараклиги қаҳрамонлараро руҳий иқлим яқинлигини таъминлаган, деган хулосага келади. Ёзувчининг бадиий тилда меъёрни сақлаш жозибаси ҳамда поэтик нутқ товланишлари гўзаллигига диққат қаратаркан: *“Асарнинг лирик саҳифалари бамисоли шеърдек ҳиссий, тўлқинли”*[8]*,* деб ёзади.

Бахтиёр Назаров асарнинг қиммати, тарихий-адабий жараёндаги ўрни ҳақида тўхталаркан: *“Улуғ салтананат”дек маҳобатли асарнинг яратилиши нафақат адиб муваффақияти, балки у мансуб миллат адабиётидаги ҳодиса... Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси тарихий роман-эпопеянинг барча асосий талабларига жавоб беради ва у ўзбек адабиёти тарихида том маънодаги биринчи тетралогиядир. Адиб ўзбек*

[7] Солижонов Й. Янги аср насри манзаралари..-Б. 247.
[8] Назаров Б. Юксак тарихий эътиқодга муносиб самара.-Б. 148.

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабиётида эпик жанрнинг тетралогия типига асос солди, бу масалада ўзбек адабиётининг янги босқичини бошлаб берди... илғор тажрибаларни ўзбек адабиёти мисолида Ўрта Осиё ва умуман, Осиё адабиётида янги манзилга олиб чиқди",[9] дея ниҳоятда улкан баҳо беради.

Муҳими, юқоридаги эътироф чуқур илмий-назарий қарашлар орқали ўз тасдиғини топган. Масалан, адибнинг бош принципи асрлар синовидан ўтган тарихий ҳақиқатга садоқат ва уни бадиийлик билан уйғунлаштиришдир. Роман композицияси пухта ишланган. Ўқувчини тизимли равишда ўзига чорлаб, эргаштириб туради. Асарда реалистик принципларга амал қилиниб, психологик таҳлил ва тасвир теранлаштирилган. Анъанавийлик ва *"онг оқими"*га хос ифода муштараклиги таъминланган. Психоаналитик тасвир усулидан самарали фойдаланилган. Манзара-ҳолатлар тасвирида жонли ифода назокати ва бадиий деталлар функционаллигига эришилган. Роман финали шиддатли, сиқиқ, теран кўчма маъноли ва айни пайтда ишоравий йўсинда поэтик таъсирчан хулосаланган. Пластик ва нопластик образлар дунёсининг ички ҳаракати санъаткорона акс этган. Кўринадики, мақолада кузатилган далиллар теран таҳлил ва талқинга асосланади. Фикр-мулоҳазалар эса ўзининг ишонарли исботини топади.

Адҳамбек Алимбековнинг *"Тарихий романчилигимизга бир назар"* мақоласида мустақиллик даври халқ маънавияти ҳамда поэтик тафаккурида тарихни романий тафаккур миқёсларида идрок этиш эҳтиёжи кучайгани Бўрибой Аҳмедов, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Саъдулла Сиёев, Омон Мухтор, Асад Дилмурод, Эркин Самандар, Пирмат Шермуҳамедов, Тўлқин Ҳайит, Йўлдош Сулаймон қаламига мансуб тарихий-биографик, ижтимоий-фалсафий ва ижтимоий-тарихий романлар мисолида тадқиқ этилади. Замонавий ўзбек тарихий романчилиги бадиий таҳлил ҳамда талқин имкониятлари кенглиги, фалсафий мушоҳадакорлик чуқурлиги миллий руҳ ифодаси ёркинлиги жиҳатидан дунё адабий жараёнига ҳамқадам экани кўрсатилади.

Маҳкам Маҳмудовнинг *"Саргузашт адабиётининг бадиияти"* мақоласида эса, ўзбек реалистик саргузашт адабиётининг: Омон Мухтор, Тоҳир Малик, Асад Дилмурод, Ҳожиакбар Шайхов, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев, Тиловолди Жўраев, Алишер Ибодинов, Қобил Мирзо, Баҳодир Худойберганов, Қаҳрамон Аҳмад, Одил Абдураҳмон сингари вакиллари яратган ҳикоя, қисса ва роман жанрларига мансуб асарлар ўрганилади. Олим уларнинг поэтик жозибасини мумтоз ва замонавий Шарқ насри, XX аср адабий-ижодий мактаблари тажрибаси ҳамда жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий таҳлилга тортади.

Ўзбек саргузашт адабиёти истиқлол даврида шакл, мазмун, ифода, образ ва талқин нуқтаи назаридан янги босқичга юксалганини ишончли тарзда далиллашга эришади.

Тарихий драматургия. Шуҳрат Ризаев *"Истиқлол даври ўзбек тарихий драматургияси"* мақоласида мустақиллик даври театр санъати мисолида

[9] Назаров Б. Юксак тарихий эътиқодга муносиб самара.-Б. 163-164.

www.ziyouz.com kutubxonasi

миллий тарихимизни бадиий ифода этиш маърифий эҳтиёжи қай тарзда қондирилиши, бадиий тадқиқ қилиш асносида ички маърифат, поэтик идрок ва маҳоратнинг ўрни, саҳна асарларини даврий чегараларига кўра таснифлаш, унинг жанрий йўналишларини аниқлаш, саҳналаштирилиш жараёнини кузатиш сингари масалалар ўрганилади.

Шуҳрат Ризаев қисқа вақт оралиғида яратилган ва саҳна юзини кўрган юздан ортиқ тарихий драмаларни кузатаркан, ижтимоий воқелик ҳамда тарихий образларни бадиий идрок этишнинг ижтимоий-публицистик, тарихий-фалсафий, тарихий-биографик, фалсафий-лирик, фалсафий-психологик, фалсафий-интеллектуал ифода усуллари намоён бўлишини аниқлайди. Давр адабиёти ва санъатида эътиборли ҳодиса бўла олган *“Соҳибқирон”* (А.Орипов), *“Араб Баҳодирхон”* (Э.Самандар), *“Қора камар”, “Зиёфат”* (Ш.Холмирзаев), *“Қатағон”* (Ў.Ҳошимов), *“Кундузсиз кечалар”* (У.Азим), *“На малакман, на фариште”* (Н.Қобул), *“Занжирбанд шер”* (З.Нажмий) каби тарихий асарларнинг ижтимоий-сиёсий ва публицистик пафосини эътироф этади.

Адабий алоқалар ва бадиий таржима. Наим Каримов ўзининг *“Олтин кўприклар жозибаси”* мақоласида адабий алоқалар ва бадиий таржима ҳақидаги ўйлари билан ўртоқлашади. Зотан, миллий адабиётлар тараққиёти жаҳон нафис сўз санъатида пайдо бўлаётган янги поэтик ғоялар, оҳорли бадиий-услубий изланишлардан ижодий баҳрамандлик негизида кечади. Ўзбек адабиёти жаҳон сўз санъати таркибий қисми ўлароқ, ҳамиша унга муносиб ҳисса қўшган ва бу эзгу ишни муттасил давом эттириб келмоқда. Олимнинг диққати истибдод даврида Туркистон халқлари адабиётининг миллий-адабий ўзандаги ривожига имкон берилмаса-да, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби қалби уйғоқ юксак салоҳият соҳиблари бадиий таржима ва адабий алоқалар воситасида фаранг, инглиз, олмон, рус мумтоз ҳамда замонавий адабиётидан поэтик ғоя, маҳорат сирларини ўрганишига қаратилади.

Хулоса ўрнида. Мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимиз эзгу меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, истиқлол адабиёти келажаги ҳақида дастурий йўлланмалар ишлаб чиқишнинг давлат сиёсати даражасида изчил тарзда амалга оширилиши ўз самараларини бера бошлади.

Халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлмиш адабиёт ҳамда санъат асарларини беш жилдлик мажмуа учун нашрга тайёрлаш ва таҳрир қилишдек хайрли ишни амалга оширишда нуфузли таҳрир ҳайъати ҳамда фидойи шоир, ёзувчи, драматург, публицист ва адабиётшунос олимлар фаол иштирок этишди. Юқорида сўз юритилган мажмуага жамланган асарлар замондошларимизни эзгулик, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат, бағрикенглик, бунёдкорликка даъват этувчи ҳароратли поэтик фикр-ғоя, самимий ҳамда эҳтиросли туйғуларга йўғрилган. Бу бадиият ҳамда илм-фан дурдоналари ижод аҳли олису яқин тарихий ўтмишдан ибратли сабоқ чиқариб, бугунги мураккаб ва таҳликали давр муаммолари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

башариятнинг эртаси ҳақида ўз сўзини айтишга интилаётганидан гувоҳлик бериши билан қимматлидир.

Шубҳасиз, мустақиллик йиллари кўтарилган хирмон бағридан энг сара асарларни танлаш, уларни янгича адабий-эстетик мезонлар асосида таҳлил ва тадқиқ этиш шунчаки жўн юмуш эмас. Шу маънода, босиб ўтилган йигирма тўрт йиллик миллий тафаккурнинг ўзига хос сарҳисоби бўлмиш бу мажмуаларни тузувчилар заҳматини тасаввур этиш мумкин. Танланган айрим бадиий асарлар поэтик баркамол бўлмаслиги, адабий-назарий ва танқидий қарашлар ифодасини топган баъзи мақолаларда эса, ҳали тўла маромига етмаган фикр-қарашлар, баҳсталаб ўринлар бўлиши табиий. *Биринчидан,* ушбу йўсиндаги илк тажриба бўлган ушбу мажмуа ўтган давр оралиғидаги барча асарларни жамлашни мақсад қилмайди; *иккинчидан,* баъзи муносиб муаллифлар, улар қаламига мансуб энг сара асарлар тузувчилар нигоҳидан четда қолган бўлиши ҳам мумкин; *учинчидан,* кўтарган хирмонимиз нуқул нодир жавоҳирлардан иборат, деб ўйлаш ҳам соддалик бўларди. Зотан, вақт синовига дош бериб, миллий адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин оладиган баркамол асар яратиш кишидан образли мушоҳада теранлиги, ҳиссий-эмоционал туйғу самимияти, адабий анъана ва ижодий мактаблар амалий тажрибаю назарий-эстетик қарашларини чуқур ўзлаштириш, адабий-бадиий ифода усулларидан самарали фойдаланишда индивидуал йўл топиш – муттасил изланувчанликни тақозо этади.

Хуллас, мустақиллик даври адабий танқидчилиги адабиётимиздаги етакчи тенденцияларни илғаш, унинг истиқболи учун фойдали тажрибаларни оммалаштириш, ижтимоий-эстетик, умуминсоний бурчини бажаришга кўмаклашиш йўлида масъул эканини унутмаслиги билан ҳам қадрлидир.

ҲИКМАТ

Ҳақиқатга бўйин эг, танқидни тан ол, эшитганингдан қатъий назар ҳақиқатни қабул эт.

Фузайл ибн ИЁЗ

www.ziyouz.com kutubxonasi